



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 4 декабрь, № 253 (9148)

Пайшанба

Сайтимиға ўтиш учун QR-коддини телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ РОССИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ҳукуматлараро комиссиянинг навбатдаги йиғилишида иштирок этиш учун мамлакатимизга келган Россия Федерацияси Ҳукумати Раисининг биринчи ўринбосари Денис Мантуров бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.



Учрашувда Россиянинг Нижний Новгород ва Омск вилоятлари, Бошқирдистон ва Красноярск ўлкаси раҳбарлари ҳам иштирок этдилар.

Сўхбат аввалида юқори мартабали меҳмон давлатимиз раҳбарига Россия Президенти Владимир Путиннинг самимий

саломи ва энг эзгу тилакларини етказди.

Олий даражадаги учрашувлар натижаларига кўра эришилган кели-

шувларни қабул қилинган “Йўл харитаси” асосида амалга оширилиши муҳокама қилинди.

Савдо ҳажми барқарор ўсиб бораётгани, саноат, энергетика, транспорт, металлургия, кимё ва бошқа соҳаларда кўшма лойиҳалар амалга оширилаётгани мамнуният билан қайд этилди.

Товар айирбошлаш суръатини сақлаб қолиш, иқтисодиётнинг устувор тармоқларида, жумладан, саноат зоналари доирасидаги кооперация лойиҳаларини жадаллаштириш, ҳудудлар ва бизнес даражасида фаол ҳамкорлик алоқаларини давом эттириш бўйича мувофиқлаштирилган чоралар кўриш муҳим экани таъкидланди.

Шу маънода, Тошкентда бўлиб ўтган Ҳукуматлараро комиссиянинг йиғилиши ва ишбилармонлик тадбирларининг натижалари юқори баҳоланди.

Шунингдек, учрашув доирасида Россиянинг етакчи компаниялари раҳбарлари Президентимизга ахборот технологиялари, энергетика, электротехника, машинасозлик, кимё, фармацевтика, тўқимачилик ва озиқ-овқат саноатида лойиҳаларни амалга ошириш бўйича аниқ режаларни тақдимот қилдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати сурати.

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ЙЎЛ ҲАРАКАТИНИ БОШҚАРИШНИНГ ЭНГ САМАРАЛИ УСУЛЛАРИ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 3 декабрь куни Тошкентда транспорт бошқарувини такомиллаштириш ва тирбандликларнинг олдини олиш чораларига доир тақдимот билан танишди.

Кейинги йилларда пойтахтда жамоат транспортини ривожлантириш бўйича анча ишлар қилинди. Автобуслар парки икки баробарга кенгайтирилиб, уларнинг умумий сони 1,9 мингга яқинлашди, қатнов интервали 30 дақиқадан 15 дақиқага қисқарди. Натижада автобуслардан фойдаланувчиларнинг сони кўнлик 1,4 миллион нафарга етди.

Ер ости ва ер усти метрополитен линияларининг умумий узунлиги 70,5 километрга етказилиб, бекатлар сони 29 тадан 50 тагача ошди. Метро бир кунда 900 минг нафар йўловчига хизмат кўрсатмоқда.

Шаҳар кўчаларида ҳаракатни таъминлашнинг техник ишлари кўлами кенгайиб, 2870 та белги алмаштирилди, 2770 та янги белги ва 55 та светофор ўрнатилди.

Шу билан бирга, аҳоли ва транспорт воситалари сонининг ўсиши, шаҳардаги иқтисодий жараёнлар натижасида йўл инфратузилмасига юқлама кескин ортимоқда. Пойтахтнинг асосий транспорт йўлакларига босим 2 баробар кўпайгани, кейинги йиллардаги 7-8 балли тирбандликлар одатий ҳолга айлангани кўрсатиб ўтилди. Жамоат транспортидан фойдаланиш улуши шахсий автомобилларникидан қолмоқда. Буларнинг барчаси экологик ҳолатга ҳам ўз таъсирини кўрсатиб келмоқда.

Дунё амалиётида йўл ҳаракатини бошқаришнинг энг самарали усули сифатида интеллектуал транспорт тизими (ITS) кенг қўлланилмоқда. Мазкур ёндашувга кўра шаҳарларда ҳаракатни ўз вақтида назорат қилиш, таҳлилчини олиб бориш ва режалашти-

риш марказлашган ҳолда амалга оширилади.

Тақдимотда шу мақсадда Тошкент шаҳрида ягона йўл ҳаракатини ташкил этиш марказини яратиш таклиф қилинди.

Марказ транспорт ва пйедалар окимларини таҳлил қилиш ва моделлаштириш, интеллектуал транспорт тизimini жорий этиш ҳамда бошқариш, транспорт мастер-режаси ва қарқисини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш, электр қувватлаш инфратузилмасини ривожлантириш, индивидуал ҳаракатланиш воситаларидан фойдаланишни рағбатлантириш каби вазифалар билан шўғулланади.

Марказ интеллектуал транспорт тизимининг оператори ҳисобланади. Мазкур платформа камералар, датчиклар, “GPS” воситалари орқали ййилган маълумотларни, хусусан, сунъий интеллектдан фойдаланган ҳолда таҳлил қилиб, тирбандликлар статистикасини юритиш ва уларни башорат қилиш, маршрутларни оптималлаштириш, светофор фазаларини адаптив тарзда ўзгартириш, йўл-транспорт ҳодисалари рўй берган пайтда фавқулодда хизматларни чақириш каби имкониятларга эга бўлади.

Тизимнинг жорий қилиниши натижасида йўлларда транспорт ҳаракатининг ўртача вақти ва фавқулодда хизматларнинг ИТХ жойига етиб келиш вақти қисқариши, асосий йўллардаги тирбандликлар ҳамда йўл-транспорт ҳодисалари камайиши кутилмоқда.

Президентимиз таклифларни маъқуллаб, пилот лойиҳани жорий йилнинг ўзидаёқ ишга тушириб, келгуси йилларда уни кенгайтириш, 2030 йилга қадар уни ҳудудлар билан интеграция қилиш-ни топширди.

ДАВЛАТ ВА АҲОЛИ ЎРТАСИДАГИ ДОИМИЙ МУЛОҚОТНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛ АСОСЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАШНИНГ ЗАМОНАВИЙ МОДЕЛИ

Президент Шавкат Мирзиёевга давлат идораларининг аҳоли билан коммуникацияси самарадорлигини оширишга қаратилган ишлар юзасидан ахборот берилди.

Мамлакатимизда давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида амалга оширилаётган кенг қўламли янгиланишлар жараёнида аҳоли муурожаатлари билан ишлаш тизимини ҳам такомиллаштириш, Халқ қабулхоналарининг имкониятларини кенгайтириш, фаолиятига замонавий ёндашувларни жорий этиш, жамоатчилик фикрини чуқурроқ ўрганиш ва қарорлар қабул қилишда уни инобатга олиш тобора долзарб аҳамиятга эга бўлиб бораётгани таъкидланди.

Аҳолининг қайфияти, эҳтиёжи ва орзу-интилишларини аниқ ҳамда тўлиқ ўрганишда замонавий, профессионал социология ва таҳлилий усуллардан фойдаланиш зарурлиги, бу ислохотлар нақадар самарали бўлаётгани ҳақида ҳолис ахборот олиш ҳамда келгуси истиқболга мўлжалланган тараққиёт дастурларини тўғри ишлаб чиқишнинг муҳим омили экани кўрсатиб ўтилди.

Президентимиз халқ билан мулоқот маданиятини изчил юксалтириш, фуқароларни эшитиш, уларнинг фикр-мулоҳазаларини инобатга олган ҳолда қарор қабул қилиш давлат идора-

лари фаолиятида бош мезон бўлиши шартлигини таъкидлади.

Фуқаролардан келиб тушаётган муурожаатларга нафақат тезкор жавоб бериш, балки уларни тизимли таҳлил қилиб, социологик тадқиқотлар натижалари билан солиштириш орқали тегишли ечимларни таклиф қилиш, умуман, давлат ва жамият ўртасидаги мулоқот сифати ҳамда ишончни мустаҳкамлаш давлат ва бошқарув органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият идораларининг асосий вазифаларидан бири экани яна бир бор кўрсатиб ўтилди.

Ҳокимият ва аҳоли ўртасидаги доимий мулоқотнинг институционал асосларини мустаҳкамлаб, янгича ёндашувларга асосланган замонавий моделини шакллантириш, уни жамоатчилик фикрини ўрганиш тизимига боғлаш муҳим экани қайд этилди.

Мутасаддиларга халқ билан мулоқот механизмларини янада такомиллаштириш, фуқароларнинг муурожаатлари билан ишлаш самарадорлигини ошириш юзасидан тегишли топшириқлар берилди.

КИМЁ СANOАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН РЕЖАЛАР ТАҚДИМОТИ

Президент Шавкат Мирзиёев кимё саноатида ишлаб чиқариш ва экспортни ошириш ҳамда таннархни пасайтириш юзасидан тақдимот билан танишди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда кимё саноатини жадал ривожлантириш ва рақамлаштириш бўйича аниқ стратегия қабул қилинган. 2030 йилгача тармок ҳажмини камида икки баробарга ошириш, минерал ўғитлар ишлаб чиқариш 1,5 баробарга кўпайтириш ва экспорт ҳажмини 1 миллиард долларга етказиш режалаштирилган.

Бугунги кунда тармокда умумий қиймати 1 миллиард долларлик 21 та йирик лойиҳа амалга оширилмоқда, келгуси уч йил учун яна 4,5 миллиард долларлик ташаббуслар шакллантирилган.

Тақдимотда кимё саноатидаги йирик корхоналарда базини ишлаб чиқариш қувватларининг эскиргани оқибатида энергия харажатларининг юқорилиги ва рақобатбардорлик пастлиги кўрсатиб ўтилди. Масалан, азотли ўғитлар таннархининг 55 фо-

изгача қисми энергия харажатларига тўғри келмоқда.

Соҳада энергия тежамкор технологияларни жорий қилиш ва рақамлаштириш орқали харажатларни кескин қисқартириш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Дунёда кимё маҳсулотларининг бозори тез суръатлар билан ўсиб бормоқда. Қўшни мамлакатларда 1 миллиард долларлик маҳсулотларга талаб ва логистика учун кулайи шaroитлар бўлса-да, мазкур салохиятдан етарлича фойдаланилмаётгани қайд этилди.

Тақдимотда маҳаллий хомашёни чуқур қайта ишлаш ҳисобига янги маҳсулот турларини ўзлаштириш ва экспортни камида икки баробарга ошириш мумкинлиги таъкидланди.

Жорий йилда Тошкент, Намовий ва Жиззах вилоятларида “яшил” минерал ўғитлар, циан тузлари, калий ксантогенат, калий сульфати каби юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар

чиқарадиган лойиҳалар ишга тушди. Ушбу янги маҳсулотлар экспортини оширишни ҳозирдан ҳисоб-китоб қилиш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Келгуси йилда 4,5 миллион тонна пахта етиштириш мақсад қилинган.

Бунинг учун фосфорли ўғитларнинг захирасини тайёрлаш, ўғит ишлаб чиқарувчиларга етарли микдорда сульфат кислотасини етказиб бериш вазифаси қўйилди. Фермерларни ўғит билан таъминлаш учун имтиёзли кредитлар ажратиш ишларини тезроқ бошлаш зарурлиги таъкидланди.

Президентимиз кимё саноати мамлакат иқтисодиётидаги стратегик тармок эканини таъкидлаб, ички бозорни барқарор таъминлаш, экспорт салохиятини ошириш ва янги иш ўринларини яратиш юзасидан аниқ топшириқлар берди.

ЎЗА.

ПРЕЗИДЕНТ ОЛИМПИАДАСИ ЎЙИНЛАРИНИНГ ГОЛИБ ВА СОВРИНДОРЛАРИ ҲАМДА БАРЧА ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Азиз фарзандларим!

Ҳурматли ота-оналар, устоз ва мураббийлар!

Аввало, барчангизни Ватанимиз ҳаётида ўчмас из қолдирган Президент Олимпиадаси ўйинларидаги муваффақиятли иштирокингиз билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Албатта, саралаш босқичларида 100 мингдан зиёд ўғил-қизларимиз орасида голиб ва совриндор бўлган 3 минг нафарга яқин сиздек энг кучли ва навқирон спортчиларимизнинг муносиб иштироки туфайли бу мусобақалар Ўзбекистон спорти ноёб тизим бўлиб шаклланганини бугун чуқур мамнуният билан таъкидлашга ҳақлимиз.

Қарийб ўн кун давом этган қизгин ва мурасасиз беллашувларда эришилган галабалар, рекорд натижалар бу фикрни яққол исботлаб турибди.

Айниқса, оғир атлетикачи қизларимиз Шахноза Хайдарова, Мохинур Эсонбоева, енгил атлетикачимиз Садафону Нусратуллоева Ўзбекистон рекордини янгиллагани, юнон-рум кураши бўйича 17 ёшли Қамариддин Худойберганов амалдаги Осиё ва жаҳон чемпионларини, Комила Султанова, Умарали Абдужабборов, Мираслава Омелченко каби таъқвондочиларимиз эса мамлакат чемпионларидан устун келиб, энг юксак шохсупаларга кўтарилгани таҳсинга сазовордир.

Яна бир муҳим жиҳати — бундан тўрт йил олдин йўлга қўйилган “Беш ташаббус олимпиадаси” тизимида кашф этилган иқтидорли ёшларимиздан 23 нафари ушбу Олимпиаданинг голиб ва совриндорларига айланди.

Буларнинг барчаси Президент Олимпиадасининг ёшларимиз учун гоғат масъулиятли беллашувга айлангани ва ўзининг шонли анъаналарини шакллантира бошлаганини кўрсатади.

Аминан, спорт соҳасидаги илк қадамларини қадрдон маҳалласидан бошлаган, бугун ўз ҳудудининг шафратини дадил ҳимоя қилган бу фарзандларимиз келгусида жаҳон ареналарида Ватанимиз шухратини бутун дунёга тараннум этади.

Қадрли спортчи ёшлар!

Сизларнинг иштирокингизда бўлиб ўтган беллашувларни биз бутун халқимиз билан биргаликда катта қизиқиш ва ҳаяжон билан кузатиб, Янги Ўзбекистонда юксак салоҳиятли олимпия захиралари етишиб келаётганидан қалбимиз қувонч ва ифтихорга тўлди.

Мусобақанинг голиб ва совриндорлари, уларнинг ота-оналари ва мураббийларини алоҳида қутлаган ҳолда бир фикрни таъкидлаб айтмоқчиман. Аслида бундай мусобақаларда иштирок этишнинг ўзи улкан бахт, улкан ютуқ. Чунки бу ўйинлар сизларнинг қалбингизга Олимпиада руҳи, Олимпиада гоғларини олиб киради, жаҳон ареналари сари дадил боришда катта тажриба ва маҳорат мактаби бўлиб хизмат қилади.

Ҳеч шубҳасиз, биз бу тизимни янада такомиллаштириб, унинг таркибига келгуси йилдан бошлаб сув спорти, велоспорт, триатлон, қиличбозлик ва жамоавий спорт турларини ҳам киритамиз. Олимпиадамизнинг ҳар бир босқичига халқаро спорт мезонлари тўлиқ татбиқ қилинади ва юқори маҳоратли спортчиларни тайёрлаш учун тренерларни замонавий методология ва ёндашувлар асосида ўқитиш тизими йўлга қўйилади.

Шунингдек, мусобақалар натижаларини очик ва шаффоф усулда баҳолаш учун ҳакамларнинг малакаси ошириб борилади, спорт турларидан келиб чиқиб, спорт мактаблари ва тўғарақлардаги шароитлар яхшиланади.

Ана шу ишларни амалга оширишда бу йилги мусобақаларда тўплаган билим ва тажрибангиз, амалий таклифларингиз билан сизлар ҳам муносиб иштирок этасиз, деб ишонаман.

Фурсатдан фойдаланиб, мазкур беллашувларнинг саралаш ва финал босқичларини юксак даражада ташкил этган ҳудудларимиз, тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари ҳамда мутасадди шахсларга, спорт федерациялари, олий ўқув юртлири, техникум ва мактаблар жамоаларига, жонқуяр волонтерларимизга, ёшларимизни қўллаб-қувватлаб турган барча спорт мухлисларига, кўп миллатли халқимизга самимий миннатдорлик билдираман.

Сизлар бугун катта марраларни забт этдингиз. Олдингизда эса бундан ҳам юксак довлонлар турибди.

Барчангизга келгуси мусобақаларда бундан ҳам ёрқин галаба ва натижалар ёр бўлишини тилайман.

Тинимсиз изланишдан, олға боришдан ҳеч қачон тўхтаманг, азиз фарзандларим!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

ЎЗБЕКИСТОН СПОРТИДА НОЁБ ТИЗИМ

Мамлакатимизда илк бор ўтказилган Президент Олимпиадасининг тантанали ёпилиш маросими бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг мусобақа голиблари, совриндорлари ва барча иштирокчиларига табригини Ўзбекистон Республикаси Президенти матбуот котиби Шерзод Асодов ўқиб эшиттирди.

Шуқуҳ

Табриқда қайд этилганидек, саралаш босқичларида 100 мингдан зиёд ўғил-қизлар орасида голиб ва совриндор бўлган 3 минг нафарга яқин энг кучли ва навқирон спортчиларимизнинг муносиб иштироки туфайли бу мусобақалар Ўзбекистон спорти ноёб тизим бўлиб шаклланганини бугун чуқур мамнуният билан таъкидлашга ҳақлимиз.

Президентимиз табригида қарийб ўн кун давом этган қизгин ва мурасасиз беллашувларда эришилган галабалар, рекорд натижаларни қайд этган спортчиларга алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, оғир атлетикачи

қизларимиз — Шахноза Хайдарова, Мохинур Эсонбоева, енгил атлетикачимиз Садафону Нусратуллоева Ўзбекистон рекордини янгиллагани, юнон-рум кураши бўйича 17 ёшли Қамариддин Худойберганов амалдаги Осиё ва жаҳон чемпионларини, Комила Султанова, Умарали Абдужабборов, Мираслава Омелченко каби таъқвондочиларимиз эса мамлакат чемпионларидан устун келиб, энг юксак шохсупаларга кўтарилгани урғуланди.

Яна бир муҳим жиҳат — бундан тўрт йил олдин йўлга қўйилган “Беш ташаббус олимпиадаси” тизимида кашф этилган иқтидорли ёшларимиздан 23 нафари ушбу Олимпиаданинг голиб ва совриндорларига айлангани диққатга сазовор.

ЎЗАРО ҲУРМАТ ВА ҲАМЖИҲАТЛИК РИШТАЛАРИ БИЛАН БОҒЛАНГАН ДЎСТЛИК

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева бошчилигидаги парламент делегацияси расмий таширф билан Венгрия Республикасида бўлиб турибди. Таширф доирасида Сенат Раиси бир қатор учрашувлар ўтказиши кўзда тутилган.

Ташриф

Дастлаб Ўзбекистон парламенти делегацияси Будапештдаги Қаҳрамонлар майдонидаги Номаълум аскар ёдгорлиги пойига гул қўйди ҳамда Венгрия халқининг озодлиги учун курашган химоячилари хотирасига ҳурмат баҳо келтирди.

Қаҳрамонлар майдонида жойлашган ушбу ёдгорлик катта тошли кенотафдан иборат бўлиб, Ватан химоячиларининг мангу хотирасига ҳурмат тисоли сифатида қад ростлаган.

Шундан сўнг таширф дастуридаги асосий учрашувлар бўлиб ўтди. Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Будапешт шаҳрида Венгрия Президенти Тамаш Шүёк билан учрашди.

Мулоқот аввалида икки мамлакат орасидаги ҳамкорлиқнинг сўнгги йилларда сезиларли жадаллашгани ҳамда ўзаро ишонч ва дўстона муносабатлар стратегик шериклик даражасигача ошгани таъкидланди.

Икки мамлакат халқларини бир-бирига боғлаб турувчи тарихий, анъанавий, маданий қадриятларларо муштараклиги давлатлараро алоқаларнинг ривожланишида муҳим аҳамият касб этаётгани айтилди.

Шунингдек, томонлар иқтисодий ҳамкорлиқни кенгайтириш, ҳудудлараро ҳамда мамлакат ишбилармон

доиралари орасидаги савдо алоқаларини янада ривожлантириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратди.

Мулоқот чоғида 2026 йил Ўзбекистон ва Венгрия ўртасида маданият, фан ва инновациялар йили деб эълон қилингани ҳам қайд этилиб, томонлар икки давлатда қатор йирик тадбирларни ўтказиш масалалари юзасидан фикрлашди.

Шу билан бирга, парламентлараро муносабатларни изчил ривожлантириб бориш ҳамда давлат раҳбарлари даражасида эришилган келишувларни амалга ошириш ўзаро ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш юзасидан фикр алмашилди.

Мамлакат Президенти билан бўлиб ўтган дўстона ва самимий мулоқотдан сўнг Танзила Норбоева бошчилигидаги парламент делегацияси Венгрия Миллий Ассамблеяси Раиси Ласло Кёвер билан ҳам учрашув ўтказди.

Унда ўзаро дўстликка асосланган муносабатлар мустаҳкамланиб бораётгани, 2021 йилда Венгриянинг Европа Иттифоқи доирасида Ўзбекистоннинг биринчи стратегик ҳамкори сифатида эътироф этилгани айнан юқори сиёсий мулоқот натижаси экани ургуланди.

Учрашувда сўнгги йилларда Ўзбекистон ва Венгрия ўртасидаги савдо ҳажми барқарор ўсаяётгани, қўшма инвестиция лойиҳалари ва саноат кооперацияси изчил кенгаётгани таъ-

кидланиб, маданий-гуманитар йўналишдаги фаол алмашинувлар алоҳида эътироф этилди.

Шунингдек, парламентлараро ҳамкорлик масалалари ҳам кўриб чиқилди. Ўзбекистондаги ислохотлар, парламент назоратининг кучайтирилиши ва қонунчиликдаги ижобий ўзгаришлар ҳақида маълумот берилди. Томонлар дўстлик гуруҳлари фаолиятини жонлантириш, парламент аппарати ходимлари учун қўсқа муддатли стажировкалар ташкил этиш масалаларини ҳам қизгин муҳокама қилди.

Қонунчилик жараёнини рақамлаштириш ва электрон парламент тизимини ривожлантириш, фан, таълим, сув ресурсларини бошқариш, қишлоқ ҳўжалиги ва энергетика соҳаларида ҳамкорлиқни кучайтириш ҳамда парламент фаолияти бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш ва ахборот алмашинувини йўлга қўйиш юзасидан фикр алмашилди.

Учрашув якунида Ўзбекистон ва Венгрия парламентлари ўртасида ҳамкорлиқни янада мустаҳкамлашга доир ҳужжат имзоланди.

Сенат Раисининг қизгин ва самарали учрашувлари 3 декабрь куни ҳам давом этди. Будапешт шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Венгрия Миллий Ассамблеяси ўртасида муҳим ҳужжат — Англашув меморандуми имзоланди.

Ушбу ҳужжат икки давлат парламентлари ўртасидаги дўстона муносабатларни мустаҳкамлаш, ўзаро ишонч ва манфаатли шерикликка асосланган ҳамкорлиқни янада ривожлантиришга қаратилган.

Ўзбекистон ва Венгрияни узоқ йиллар давомида шақлланган дўстлик, ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳат-

лик ришталари бирлаштириб туради. Иккала мамлакатнинг демократик ислохотларга содиқлик, қонун устуворлигини таъминлаш ва парламент ролини кучайтиришга интилиш каби умумий қадриятлари мавжуд. Имзоланган меморандум ана шу муносабатларни янги босқичга олиб чиқишда муҳим қадам бўлади. Ҳужжатга мувофиқ, икки мамлакат парламентлари ўртасидаги ҳамкорлик институционал жиҳатдан мустаҳкамланади. Шу билан бирга, ўзаро муносабатларни изчил ва самарали ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратилади.

Хусусан, конституциявий ислохотлар ва қонун ижодкорлиги жараёни бўйича тажриба алмашиш, парламент ва фуқаролар ўртасидаги мулоқотни такомиллаштириш, парламент қўмиталари ўртасида доимий маслаҳатлашувлар ўтказиш, дўстлик гуруҳлари фаолиятини кенгайтириш ва парламент девонлари ўртасидаги ўзаро алоқаларни қучураштириш йўналишларида яқин ҳамкорлиқни йўлга қўйиш кўзда тутилган.

Шунингдек, парламент делегацияларининг таширфлари тенглик ва ўзаро манфаатлар тамойиллари асосида амалга оширилиши қайд этилди. Халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда қўшма лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш имкониятлари ҳам назарда тутилмоқда.

Учрашувда Англашув меморандуми Ўзбекистон ва Венгрия парламентлари ўртасидаги муносабатларни янги босқичга олиб чиқишга ҳамда икки мамлакат халқлари манфаатлари йўлида амалий натижаларга эришишга хизмат қилиши таъкидланди.

Олий Мажлис Сенати
Ахборот хизмати.

Сенатор ва ёшлар

АНИҚ МАҚСАД ВА ИМКОНИАТ — МУВАФФАҚИАТ ОМИЛИ

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетининг Фаргона филиалида Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси О. Қозихонованинг ёшлар билан очиқ мулоқоти ташкил этилди.

Тадбирда ёшларга оид давлат сиёсати бўйича амалга оширилаётган ишлар ва уларнинг аҳамиятига эътибор қаратилди.

Шунингдек, сенатор ёшлар манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни қўллаб-қувватлаш, ҳар бир йигит-қизнинг билим оли-

ши, касб-ҳунар эгаллаши, ўз салоҳиятини тўла намойиш этиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири эканлигини таъкидлади.

Ёшларни тадбиркорликка жалб этиш, уларнинг ташаббусларини рағбатлан-

тириш, инновацион лойиҳаларини амалга ошириш учун молиявий ва ташкилий қўмак кўрсатиш механизмлари ҳақида ҳам сўз юритилди.

Сенатор ёшларга юртимиздаги тинчлик ва осойишталикнинг қадрига етиш, ислохотлар жараёнида ташаббускор ва фаол, асосийси, қўшувчи эмас, иштирокчи бўлиш босқичида тавсиялар берди.

Ўз навбатида, ёшлар қатор тақдирлар билдириши ва ўзларини қизқирган саволларга жавоблар олди.

«Халқ сўзи».

ЁШЛАРГА ОИД

ДАВЛАТ СИЁСАТИ — АМАЛДА

Наманган давлат техника университетида Олий Мажлис Сенати аъзолари Икромхон Нажмиддинов, Одилжон Маматқаримов ва Анна Добрих иштирокида вилоятнинг фаол ёшлари билан учрашув ўтказилди.

Тадбир давомида сенаторлар ёшларга яратилаётган имкониятлар, янги давлат дастурлари, таълим, илм-фан ва тадбиркорлиқни ривожлантиришга қаратилган ислохотлар ҳақида батафсил маълумот берди.

Шунингдек, ёшларга оид давлат сиёсатини изчил амалга оширишга қаратилган дастурлар, уларнинг мазмун-моҳияти

ҳамда режалаштирилган ташаббуслар юзасидан ахборот берилди.

Учрашув якунида ёшлар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг муаммоларини тизимли равишда ўрганиб бориш ҳамда келгусида мунтазам мулоқот платформасини шакллантириш бўйича келишувга эришилди.

«Халқ сўзи».

Рақамли трансформация:

Рақамли трансформация ва сунъий интеллект — бу нафақат технологиялар, балки давлатнинг ҳар бир фуқарога тезкор, қулай ва самарали хизмат кўрсатиши йўли. Мазкур усул фақат инсонларга қулайликлар туғдириб қолмасдан, улар учун ортқича оворакорчиликлар пайдо бўлишининг ҳам олдини олади. Мамлакатимизда сўнгги йилларда бюрократияни қисқартиришга қаратилган 9 та Фармон ва қарор қабул қилинди. Давлат хизматлари марказлари, Ягона портал платформаси, «Рақамли ҳўкумат» каби тизимларнинг ташкил этилиши натижасида давлат хизматлари кўрсатиш халқимиз учун янада қулай, тезкор ва шаффоф тизимга айланади.

Акс садо

Президент Шавкат Мирзиёев Халқаро конгресс марказида сунъий интеллект бўйича халқаро форумнинг тантанали очилиш маросимидаги нутқида сунъий интеллект технологиялари ва рақамлаштиришнинг самаралари борасида ҳам тўхталиб ўтди.

Таъкидланганидек, илк бор 2017 йилда 444 турдаги давлат хизмати кўрсатилган бўлса, ҳозир

ги вақтда бу кўрсаткич 1 040 та етди. Кўрсатилган хизматлар сони қарийб 10 баробар кўпайиб, 55 миллиондан ошди. 90 дан ортқ хизматларни проактив ва композиет шаклда кўрсатиш йўлга қўйилди.

2030 йилга қадар давлат хизматлари сонини 1,5 мингтага, электрон хизматлар улушини эса 95% фойзга етказиш кўзда тутилган. Келгуси йилнинг ўзида 250 та хизмат электрон шаклга ўтказилади. Масалан, автотранспорт воситасини рўйхатдан ўтказиш, қўшил-

ган қиймат солигини қайтариш каби хизматлардан электрон фойдаланиш йўлга қўйилди.

Эътиборли жиҳати, яқин йиллар ичида «қўғозсиз ҳўкумат» тизимига тўлиқ ўтилиб, қўғоз айланмасидан бутунлай воз кечилди. Мавжуд 40 миллион ҳўжатдан 25 миллиони, шундан кейинги йилнинг ўзида 5 миллиони рақамлаштирилади ва хизмат кўрсатиш муддатлари кескин қисқартирилиб, ортқича ҳўжжат ва маълумотларни талаб этиш бекор қилинади. Режалаштирилган юздан зиёд давлат хизматлари кўрсатиш муддатларининг 50 фойзга қисқариши натижасида 110 дан ортқ маълумот ва ҳўжжатлар талаб этиш тўлиқ бекор қилинади.

Энг яқини натижага эришган идоралар ва ходимларни рағбатлантириш тартиби жорий қилиниб, махсус рақамли платформа орқали баҳолаш амалиёти тизимлаштирилди.

Президентимиз сунъий интеллект соҳасини жадал ривожлантиришга қаратилган қатор йирик та-

шаббусларни ҳам эълон қилди. Хусусан, яқин вақтлар ичида қорлар билан суперкомпьютер кластери ишга туширилади, АҚШнинг Кремийн водийсида Миллий трансфер офиси очилади ва барча ҳудудлардаги «Келажақ марказлари»да сунъий интеллект бўйича мактаб дастури жорий қилинади.

Шунингдек, мактаблар ўртасида мунтазам сунъий интеллект йўналишида энг яқини стартап ғоялари бўйича танлов ўтказиш тизими йўлга қўйилди. Ҳар бир ҳудудда ғойиблиқни қўлга киритган мактабда энг замонавий сунъий интеллект лабораторияси очилади.

Бундан ташқари, сунъий интеллект бўйича Президент танлови ташкил этилиб, энг яқини натижага эришганлар илғор технологик компанияларга стажировкага юборилади ҳамда «5 миллион сунъий интеллект етакчилари» лойиҳаси йўлга қўйилди. Буларни амалга ошириш жараёнида 2030 йилга қадар 4,75 миллион ўқувчи ва талаба, 150 минг ўқитув-

чи ва 100 минг давлат хизматчисини ўқитиш кўзда тутилган. Юқорида тилган олинган дастурларни мукамал ишга тушириш учун эса ноябрь ойи «Ёшлар учун сунъий интеллект ойлги» деб эълон қилинади ва доимий равишда «Ипақ йўли сунъий интеллект форуми» ўтказиб борилади.

Мухтасар айтганда, рақамли трансформация ва сунъий интеллект орқали давлат хизматлари кўрсатиш халқимиз учун осон, тез ва қулайлик яратиши билан бирга бюрократик тўсиқларнинг қисқаришига, қўғозбозликдан воз кечилишига ҳамда Янги Ўзбекистонда замонавий ва инсонлараро давлатнинг белгиси сифатида рақамли хизмат кўрсатиш соҳасининг илдам тараққи этишига хизмат қилади.

Жамила БОБАНАЗАРОВА,
Олий Мажлис Сенатининг
Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси аъзоси.

Конституция ва ҳаёт

Бугун мамлакатимизда амалга оширилаётган ишларнинг барчаси инсон қадри улуғланадиган, қонун устуворлиги таъминланадиган ва адолат қарор топган жамият барпо этишга қаратилган. Ижтимоий сиёсат ва ҳуқуқий қафолатлар туфайли аҳолининг турмуш фаровонлиги ошиб бораётгани юртдошларимиз ўз муаммолари билан ёлғиз қолмаётганини кўрсатади. Бу ўзгаришларнинг ҳуқуқий асоси эса давлатимиз тараққиёт йўлини белгилаб берган Ўзбекистон Республикаси Конституциясидир.



ИНСОН МАНФААТИ УСТУВОР БЎЛГАН ЖАМИЯТ САРИ

Янги тахрирдаги Конституциямизда “Инсон қадри — энг олий қадрият” деган тамойил асосий ғоя сифатида белгиланган бўлиб, бу мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг бош мақсади айнан инсон манфаатларига қаратилганини кўрсатади.

Конституциямизнинг 1-моддасида Ўзбекистон ижтимоий давлат эканлиги белгилаб қўйилган. Ижтимоий давлат — инсон манфаати устувор қўйиладиган, аҳолига таълим ва тиббиётда тенг имкониятлар яратиладиган, кам таъминланган ва ҳимояга муҳтож қатлам доимий қўллаб-қувватланадиган жамият, демек, Шу билан бирга, янги тахрирдаги Конституцияда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг ҳимоясига оид қатор қўшимча қафолатлар киритилган, давлат органларининг фуқаролар олдидаги масъулияти янада кучайтирилган.

Конституциявий ислохотлар туфайли бугун мамлакатимизда ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламларига хизмат кўрсатиш мақсадли ва тизимли асосда амалга оширилмоқда. “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари” каби электрон рўйхатлар орқали эҳтиёжманд оилалар аниқланмоқда, уларнинг муаммоларига манзилли ёрдам кўрсатиш йўлга қўйилган.

Энг муҳим жиҳати — фақат моддий қўмак бериш билан чекланилмайти, балки одамларнинг келажагига инвестиция киритиш, уларни касбга ўргатиш, даромад манбаига эга қилишга қаратилган чоралар ҳам кучайтирилмоқда. Маҳаллаларда тадбиркорлик билан шугўлланишни истаган фуқароларни қўллаб-қувватлаш механизмлари кенгайди, “маҳалла еттилик”нинг жойлардаги фаолияти тизимли йўлга қўйилди.

Мазкур жараёнлар ижтимоий давлат тамойилларининг ҳаётий ифодасидир. Давлат ёрдами фақат қўсқа муддатли чора сифатида эмас, балки инсонларни камбағалликдан чиқаришга, турмуш шароитларини яхшилашга қаратилган узоқ муддатли ечим сифатида кўрмоқда.

Ижтимоий давлатнинг энг муҳим мезонларидан бири — жамиятдаги ҳар бир инсоннинг имкониятлари тенг бўлиши. Айниқса, ногиронлиги бўлган шахслар учун бу масала янада муҳим, чуқин улар ҳаётдаги тўсиқларга бошқаларга қараганда кўпроқ дуч келади. Шу боис инфратузилмани мослаштириш, ижтимоий хизматлардан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш, таълим ва тиббий реабилитация кўрсатиш тизимлари янгиланмоқда. Болалар ва катталар учун махсус марказлар, инклюзив таълим имкониятлари, тўсиқсиз муҳит яратиш ишлари босқичма-босқич амалга оширилаётди.

Нафақат озодликда, балки жазо муддатини ўтаётган шахслар орасида ҳам ногиронлиги бор маҳкумларга тенг шароит яратиш мақсадида қатор ишлар амалга оширилмоқда: кириш жойларига тегишли стандартга мос пандуслар ўрнатилди, қутубхоналар Брайль алифбосидаги китоблар билан тўлдирилди, ювнинг хоналарида ҳам ногиронлиги бўлган шахслар учун қулай шароитлар яратилди. Омбудсманга келаётган мурожаатлар ва ўтказилаётган мониторинглар таҳлилидан келиб чиққан ҳолда ногиронлиги бўлган шахсларнинг бандлигини таъминлаш, инфратузилмани баҳолаш ҳамда тўсиқсиз муҳит яратиш бўйича ишлар давом эттирилади.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, янги тахрирдаги Конституцияда Омбудсман қонунчилик тақлифларини қонунчилик ташаббуси тартибида Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига киритишга ҳақли экани ҳақидаги норма мавжуд. Омбудсман ушбу конституциявий ҳуқуқидан фойдаланиб келмоқда. Хусу-

сан, ёпиқ муассасаларга амалга оширилган мониторинг таширфлари, махбۇслар ва маҳкумлардан келаётган мурожаатларни ўрганиш натижасида қатор масалалар аниқланди. Шу асосда ишлаб чиқилган махбۇслар ҳуқуқларига оид қонунчилик тақлифи Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг мажлисида кўриб чиқилди ва маъқулланди.

Конституцияда инсоннинг соғлом атроф-муҳитда яшаш ҳуқуқи мустаҳкамланган бўлсада, амалда бу борада жиддий камчиликлар учрамоқда. Шунинг учун ҳам мамлакат миқёсида экологик хавфсизлиқни таъминлаш бўйича кескин чоралар белгиланди. Атмосфера хавосини флослантирувчи манбаларга нисбатан назорат қучайтирилди, саноат объектлари учун экологик стандартлар янада қатъийлаштирилди, қурилишлар давомида яшил ҳудудларни асраш бўйича қоидалар қайта кўриб чиқилди.

Бирок аҳолидан тушаётган мурожаатлар ва жойлардаги ўрганишлар шуни кўрсатадики, амалий натижаларга эришиш учун назоратнинг узлуқсизлиги, экологик меъёрларни бузганларга нисбатан жазо муқаррарлигини таъминлаш, энг муҳими, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг экологик маданиятини ошириш бўйича ишларни янада қучайтиришимиз керак.

Омбудсман фаолиятида ушбу масала устувор ҳисобланади. 2025 йилнинг тўққиз ойида экологик ҳуқуқларга оид жамоавий мурожаатларни ўрганиш натижасида Андижон вилоятининг Избоскан туманидаги 2,5 гектарлик яшил макон — манзарали дарахлар етиштирилган ҳудудда бошланган уй-жой қурилиши ҳам парламент назорати субъекти — Омбудсман институти аралашувиغا мувофиқ тўхтатилди.

Экология, ижтимоий ҳимоя ёки маҳкумлар ҳуқуқи бўладими, бу соҳаларда амалий ўзгаришларга эришишда давлатнинг масъулияти билан бирга жамоатчилик назоратининг ҳам аҳамияти катта. Шу жиҳатдан Конституцияда жамоатчилик назорати институтларининг ҳуқуқий мақоми мустаҳкамлангани бежиз эмас.

Биринчи навбатда, бу ОАВ эркинлиги, очик маълумотлар, фуқароларнинг мурожаат қилиш ҳуқуқи ва ҳар бир муаммони ошқорлаш муҳокама этиш имконияти дегани. Аҳолидан тушаётган мурожаатлар, ижтимоий тармоқлардаги муҳокамалар, журналистлар ва блогерлар орқали келаётган сигналлар кўп ҳолларда экологик, ижтимоий ҳамда ҳуқуқий муаммоларни ўз вақтида аниқлашга хизмат қилмоқда.

Ҳар бир ислохотнинг марказида инсон туришига қаратилган давлат сиёсати бугун нафақат қонунларда, балки амалиётда ҳам ўз ифодасини топмоқда. Ижтимоий ҳимоя, ногиронлиги бўлган шахслар учун тенг имкониятлар, атроф-муҳит хавфсизлиги, маҳкумларнинг ҳуқуқлари, жамоатчилик назорати — буларнинг барчаси бир-бирига боғлиқ тизим. Конституцияда мустаҳкамланган ҳуқуқлар ҳар бир фуқарога тегишли. Улар ҳаётда ишлаши учун давлатнинг масъулияти ҳам, жамиятнинг фаолияти ҳам муҳим.

Албатта, қилинадиган ишлар кўп. Лекин энг муҳим қадам — инсон қадрини юксак қадрият сифатида тан олиш йўли танлаб бўлиниди. Қолгани эса бу борада биргаликдаги изчил ҳаракатимиз ва масъулиятимизга боғлиқ ва мазкур йўлда ҳар бириимизнинг мақсадимиз бир, вазифамиз эса аниқ.

Феруза ЭШМАТОВА,
Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман).

